




ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 20 декабрь, чоршанба • № 96 (10.772) • Эркин нарҳда сотилади.

ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ ҲАМЖИҲАТЛИКДА



Бундан атиги бир йил муқаддам Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш мақсадида иқтисодий интеграция механизми ташкил этилган эди. 1994 йил июль ойида Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида уч республиканинг Давлатлараро Кенгаши ҳамда Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкига асос солинди. Бугун қадим Турон ўлкасидаги қардош халқларнинг хоҳиш-иродаси, муштарак мақсадлари, бир-бирига бўлган табиий интилиши ва яқинлик ҳисси мазкур механизмнинг ишга тушиб кетишига кўмаклашибгина қолмай, унга куч-қувват ҳам бағишламоқда. Қисқа муддат ичида мавжуд сунъий тўсиқларни енгиб ўтиш, асрлар давомида бири-бири билан узвий боғланган, лекин сўнгги йилларда узилиб қолган иқтисодий ва ҳўжалик алоқаларини тўла тиклаш осон кечмайди, албатта. Шундай бўлса-да, ягона иқтисодий маконга аъзо ҳар бир республикада иқтисодий ўтиш даврининг маълум қийинчиликлари бошдан кечирилаётганига қарамай, интеграция жараёнини тезлаштиришга амалий интилиш кун сайин кучайиб бормоқда.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари давлатлараро Кенгашининг қўшни Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ана шундан далолат берди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев 15 декабрь куни шу ерда учрашди.

Президентлар мажлисида

2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурларини ҳаётга жорий этиш масалаларини муҳокама этдилар.

Бугун иқтисодий интеграция дастурида кўзда тутилган элликка яқин лойиҳа устида ишланмоқда. Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки ушбу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун кўплаб халқаро молиявий ташкилотлар, хусусан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик қилмоқда. У аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги «Фармасаноат» концерни билан шартнома тузган. Худди шунингдек, Қозоғистонда тоғ-кон саноати, Қирғизистонда электр двигателлари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар Марказий Осиё банки томонидан маблағ билан таъминланмоқда.

Шунга қарамай, музокараларда иқтисодий интеграция дастурини амалга ошириш ва ҳаётини зарур лойиҳаларни амалга оширишда барча имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани, бунинг учун ягона иқтисодий маконга аъзо мамлакатларнинг вазирликлари, муассасалари ва саноат ташкилотлари фаоллигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

Иқтисодий бирикшиш жараёнини коммуникациясиз тасаввур қилиб бўлмайти, — деди Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов. — Республикаларимиз ўртасидаги барча иқтисодий ва ҳўжалик алоқаларини янада раванқ топтириш учун биринчи навбатда янги темир йўл, ҳаво ва автомобил йўллари барпо этиш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш керак.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари дастурда хорижий фирмалар эътиборини жалб этадиган, қизиқишини орттирадиган

лойиҳалар камлигини, унда аввал бошданок хусусий сармоядорларнинг кенг иштироки кўзда тутилмаганини қайд этди. Шу боис Президент Ислон Каримов Тошкент, Бишкек ва Алмати шаҳарларида хорижий ва хусусий сармоядорларни иқтисодий интеграция дастурида кўзда тутилган лойиҳаларга кенг жалб этишга хизмат қиладиган турли кўргазмалар ўтказишни таклиф қилди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий бирикшиш жараёнида, дарҳақиқат, хусусий тадбиркорлар иштироки жуда муҳимдир. Шу сабаб, мазкур таклифни Президентлар А. Ақаев ва Н. Назарбоев яқдиллик билан қўллаб-қувватладди.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки фаолиятини янада жонлантириш борасида ҳам муҳим таклиф киритди. Маълумки, ҳар бир республика ўз сармоя дастурига эга. Мазкур дастурдаги энг «жозибador» лойиҳалар танлаб олинди, Марказий Осиё банки билан ҳамкорликда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, деди Президент Ислон Каримов.

Учрашувда иқтисодий интеграция жараёнини тезлаштириш мақсадида унинг навбатдаги зарур тузилмаларини, хусусан, Марказий Осиё ҳўкумати — Бош вазирлар кенгаши, келгусида эса, Марказий Осиё парламентини ташкил этиш, ягона иқтисодий маконга аъзо давлатларнинг молия ва божхона қонунчилигини ўзаро мувофиқлаштириш борасида фикрлашиб олинди.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда давлатлараро кенгашининг 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши ло-

зим бўлган лойиҳалар дастурлари бўйича ҳамда мазкур республикалар Мудофаа вазирлари кенгаши низомини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари имзоланди. Шунингдек, БМТ раҳнамолигида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг тинчликни сақлаш коллектив батальонини ташкил қилиш ва шақклантириш ҳақидаги ҳужжатга имзо қўйилди. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Фоллига мурожаатнома қабул қилинди. Ҳужжатларга Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев имзо чекди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Президентлари И. Каримов, Н. Назарбоев, А. Ақаев журналистлар билан учрашдилар. Унда муҳокама этилган масалалар, имзоланган ҳужжатлар Марказий Осиёда ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, халқларимиз ҳамжиҳатлиги, тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлидаги эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Бугунги учрашувлар, музокаралар Марказий Осиёдаги уч республика тараққиёти тарихида муҳим воқеа бўлиб қолиши шўбҳасиз, — деди Президент Ислон Каримов. — Бу ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш борасидаги ҳаракатларимизнинг амалий тус ола бошлагани ва тез орада ўз маҳсулини беришини кўрсатади.

Дарҳақиқат, ушбу уч республика ўртасидаги ягона иқтисодий макон ҳаёлий орзу эмас. У оддий инсонлар узоқ вақтдан бери самарасини кутаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан ҳам фарқ қилади. Марказий Осиё Давлатлараро кенгашининг қўшма лойиҳаларга эга эканлик бу фикримизнинг исботидир. Қолаверса, Президентларнинг журналистлар саволларига жавобларидан ҳам халқларимизни тараққиётга элтувчи йўлдан собит боришга аҳд қилинганини уқиш мумкин. Шу ўринда, баъзи мамлакатлар оммавий ахборот воситалари Марказий Осиё республикаларидан айримлари минтақада етакчилик мавқеи учун курашаётгани тўғрисидаги турли фитна гаплар тарқатётганини эслаш жоиз.

«Албатта, қон-қардош, маънавияти, урф-одати бир халқларимизнинг дўстлиги, ҳамжиҳатлигини кўролмайдиганлар шу хил иғволардан манфаатдор экани ҳаммага маълум. Бунинг учун тарихга назар ташлашнинг ўзи кифоя», деди Ислон Каримов. Президентлар шу қабидаги иғвогарона гаплар халқларимиз ўртасидаги бирликка ва республикаларимизнинг иқтисодий бирикуви йўлида бошланган хайрли

ишларга тўсқинлик қила олмаслигини таъкидладилар.

Яқин йилларда 2000 йиллигини нишонлаш арафасида турган кўҳна Тараз — ҳозирги Жамбул шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Президентлари Ислон Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Ақаев туркий халқларнинг жасур ўғлини Турор Рискулов хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида қатнашдилар. Т. Рискулов умр бўйи Туркистон халқлари озодлиги ва бирлиги йўлида курашган эди.

Бугун ушбу кўҳна замин халқлари ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда истиқболли келажак сари одимламоқда. Зеро, қўшни ва қардош мамлакатларимизнинг ўтмиши бир эди, келажаги ҳам бир. Юксак тараққиёт йўлидаги мақсадлари-да бир.

Ўзбекистон-Республикаси Президенти Ислон Каримов шу кунни Жамбулдан Тошкентга қайтиб келди.

Сафар давомида мамлакатимиз раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Муҳаммад ШАРИФ. (ЎЗА махсус муҳбири).
Тошкент — Жамбул — Тошкент.

СУРАТДА: музокаралар пайти.

Р. НУРИДДИНОВ тасвирга олган.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТўРТИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТўҒРИСИДА

Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 1995 йил 21 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 20 декабрь куни соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 18 декабрь куни мамлакатимиз ҳақида мақола тайёрлаш учун юртимизда меҳмон бўлиб турган Американинг «Инстительшнел инвестор» журнали журна-

листлари Мишель Луис Эрл ва Бен Айресни уларнинг илтимосларига биноан қабул қилди.

Ислон Каримов меҳмонларни мамлакатимизга ташрифи билан қўтлаб, жаҳондаги кўплаб мамлакатлар ишбилармон доиралари

орасида катта обрўга эга бўлган «Инстительшнел инвестор» журналининг Ўзбекистон ҳақида ўз ўқувчиларига ҳаққоний маълумотлар бериши иқтисодий ислохотларни амалга ошираётган мустақил республикамиз учун муҳим

аҳамият касб этишини таъкидлади.

Юртбошимиз суҳбат чоғида журналистларнинг Ўзбекистоннинг табиий ва иқтисодий имкониятлари, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёни, хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар, миллий валютанинг қадрини ошириш бо-

расида қилинаётган ишлар, халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқалар ҳақидаги ва бошқа саволларига батафсил жавоблар қайтарди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов иштирок этди.

(ЎЗА).

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси тўртинчи сессияси олдидан



— Нодир Бердиқулович, эртага биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси ўз иштини бошлайдми. Унинг муҳокама-га республика ҳаёти билан боғлиқ жуда ҳам муҳим масалалар киритилмоқда. Ана шу масалалар ҳақидаги фикрларингиз?

— Янги парламент — Олий Мажлис ўз фаолиятини бошлаганига бир йил бўляпти. У ана шу давр ичида республикамиз ҳаёти билан боғлиқ жуда кўп масалаларни ҳал қилди. Ушбу сессия янги — 1996 йил арафасида ўтиши билан ҳам аҳамиятлидир. Биз — Олий Мажлис депутатлари учун бу сессия фақат йил якуни эмас, шу билан бирга депутатлик фаолиятимизнинг бир йиллиги ҳамдир. Биз унга тайёргарлик даврида ўз сайловчиларимиз билан учрашиб, сессияга киритилиши кутилаётган масалалар юзасидан уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўргандик. Негаки, ана шундай қилсаккини қабул қилинадиган қонунларимиз ҳалқимиз ҳаётини янада энгиллаштириш ва фаровонлаштиришга хизмат қилади.

Энди сессия кун тартибига киритилмайдиган масалалар рўйхатига назар ташласангиз унда муҳокама қилинадиган қонунларнинг лойиҳалари ҳозирги даврда нақадар муҳим ва зарур эканлигини кўриш мумкин. Аммо шунини алоҳида таъкидлашим жоизки, сессия кун тартибига киритилмайдиган барча қонун лойиҳалари Олий мажлис раҳбарияти, Қўмиталар, тегишли вазирликлар, етук мутахассислар иштирокида бир неча бор ўрганилиб, жаҳон қонунчилиги андозалари ҳамда мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Айни пайтда ушбу қонун лойиҳалари Олий Мажлис депутатларига юборилиб, у билан янада чуқурроқ танишиш, сайловчилар билан фикр алмашиш учун зарур ҳам шароит яратилди.

— Ушбу сессия йилимизга якуни ясади, келгуси йил вазифалари белгилаб олинадиган айни кунларда ўтаётми. Шу сабабли депутатлар ҳам республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва истиқбол режалари ҳақида алоҳида тўхталишлари табиий, албатта. Айтингчи, сиз раҳбарлик қилаётган Окқўрғон тумани меҳнат жамоаларида йил давомида қандай ўзгаришлар бўлди?

— Янги йил арафасида босиб ўтилган йўлга чуқурроқ разм солиб, қилинган ишларга баҳо бериш азалий одат. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва янги йилнинг истиқбол режаларини белгилаб олиш учун ўтиб бораётган йилда амалга оширилган барча тадбирлар ва уларнинг натижаларини синовлик билан таҳлил этиш ни-

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг тўрт йил ўтди. Ана шу даврга назар ташлар эканмиз, ҳар бир йилнинг ўзига хос мазмунли бўлганлиги гувоҳи бўламиз. Мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани сингари вилоятимиз ҳудудларида ҳам иқтисодий ислохотлар янада чуқурлашди, ҳаётимизда катта-катта ижобий воқеалар содир бўлди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида аҳоли турмуши анча яшиланди. Халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Тадбиркор ва ишбилармон-

ҳоятда муҳимдир.

Энди гап туманимиз ҳўжалиги ҳақида борар экан, энг аввало иқтисодий-иқтисодий белгилаб берадиган асосий соҳа — пахтачилик кўз ўнгимизга келади. Шу сабабли биринчи навбатда гапни шу соҳадан бошласам. Йил ҳўжалигининг ана шу муҳим соҳасида катта муваффақиятлар келтирди. Туманимиз меҳнатқашлари 38,6 минг тонна ўрнига 40 минг тоннадан ошириб хирмон уйдилар. Барча ҳўжаликлар, қишлоқ ҳўжалик корпорациялари, деҳқон-фермер уюшмаси ва бирлашмаси пахта топшириш режалари-

зирлар Маҳкамасининг қарорига биноан етиштирилган жами ҳўсилнинг 40 фоизи ҳўжаликларнинг ихтиёрида қолдирилиши ҳам уларнинг даромадини анча кўпайтирди. Бу йил ҳўжаликлар 4860 тонна толага эгаллик қилдилар. Натижада уларнинг 468 миллион сўм қўшимча даромад олишлари кутилаётди. Ана шундай бўлган келгусида қишлоқ ҳаёти янада фаровонлашади, ҳўжаликлар кўпайиб янги техника сотиб олиш имкониятига эга бўладилар.

— Тадбиркорликка кенг йўл очиб, мулкни хусусийлаштириш,

ларнинг фаолияти кучайди. Энг муҳими, одамлар янги-яна яшаш ва иш юриштирининг асл моҳиятини тушуниб етидилар. Республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари кенгашларидаги нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилаётган йиғилишларда мана шу муваффақиятлар яна бир бор ўз аксини топмоқда. Муҳбиримиз Окқўрғон тумани хокими, Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси депутати Нодир БЕРДИҚУЛОВ билан ана шулар ҳақида суҳбатлашди.

дан, Туркия билан ҳамкорликда бир иш куни давомида 40 тонна ун тортадиган янги тегирмон жиҳозларини ўрнатиш бошлаб юборилди. Келгусида шу ерда ишлайдиган уч нафар йиғит ҳўзир Туркияда ўқиб, касб ўрганмоқда. Шунингдек, «Султонобод» жамоа ҳўжалигида бир кеча-кундузда икки тонна ун тортадиган хусусий тегирмон ҳам аҳолига хизмат кўрсатаётди. Тегирмон эгаси Озод Парпиев яқинда яна бир ишга қўл урди. У олти хил ичимлик ишлаб чиқарадиган минерал сув цехини очди.

Бундай ишбилармонлар сафи то-

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ЯНАДА ЧУҚУРЛАШАДИ

ни ортиги билан бажардилар.

«Окқўрғон» ширкатлар бирлашмаси ва Султон Сегизбоев номили қишлоқ ҳўжалик корпорациясида энг юқори пахта ҳўсили етиштирилди. Шунингдек, «Хонқа», Охунбобоев номили, «Озод», «Гулистон» ва бошқа жамоа ҳўжаликларида ҳар гектар ердан етиштирилган ҳўсил 28 центнердан ташқил этди. Бу бошқа йиллардагига қараганда анча юқори ҳўсилдир.

Фаллачилик ҳам қишлоқ ҳўжалигининг етакчи тармоғига айланди. Жорий йилда 17,3 минг тонна ўрнига 17,5 минг тонна бошоқли дон маҳсулотлари етиштириб, давлатга сотдик. Бу соҳада ҳам тажрибадор галлакорлар сафи кенгайиб борапти. Уларнинг баракали меҳнати билан бу йил бошоқли дон майдонлари бурноғи йилдагига қараганда етти баробарга кенгайди, ҳар гектар ердан 31,7 центнердан ҳўсил кўтарилди. Охунбобоев номили, Навоий номили, «Гулистон» ҳўжаликлари ҳўсилдорликда пешқадамлик қилдилар. Шунингдек, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчиликда ҳам ўтган йилга нисбатан юқори кўрсаткичларга эришдик. Буларнинг ҳаммаси бозор муносабатлари узил-кесил қарор топиб бораётган, иқтисодий ислохотлар ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингаётгани натижасидир. Қайси бир соҳани олмайлик, фермер ҳўжаликлари ҳўсилдорликда энг юқори маррани эгалладилар.

Табиийки, режаларнинг муваффақиятли уқдалангани ҳўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан белларини бакуват қиляпти. Эътибор беринг-а, туманимиз ҳўжаликлари фақат пахтачилик соҳасининг ўзидан 375 миллион сўм даромад кўраптилар. Республика Ва-

иктисодий ислохотларнинг туб мағзини ташқил этади. Зеро Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси кун тартибига кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги масала ҳам киритилаётгани бежиз эмас. Туманда бу соҳада нималар қилинапти?

— Бозор муносабатлари қарор топиб бораётган ҳозирги даврда турли соҳалар, жумладан, қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида ҳар хил мулк шакллари пайдо бўлмоқда. Узоққа бормай, кейинги уч йил ичида шу соҳада қилинган ишларни рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, улар қўйидагилардан иборат. Туманимизда жамоа ҳўжаликлари тасарруфида 139 та, шунингдек, мустақил 261 та деҳқон-фермер ҳўжаликлари ташқил топди. Уларга 1254 гектар ер майдонлари ажратиб берилди, республика Вазирлар маҳкамасининг қарорига асосан 16 та чорвачилик фермалари ташқил этилди. Биргина «Окқўрғон» ширкатлар бирлашмасида Америка Қўшма Штатлари ва Исроил ҳамкорлигида сутни қайта ишлайдиган кичик завод ишга туширилди. Шунингдек, «Окқўрғон» ширкатлар бирлашмасида бир кеча-кундузда минг килограмм мой ишлаб чиқарадиган кичик корхона ишлаб турипти. Алимкент кўрғонидаги тадбиркор Раҳим Умаровга қарашли «Ақмал» хусусий корхона бир кунда 60 тонна чигитни қайта ишлаб тўққиз тонна ёғ тайёрлаб беради. Ушбу корхона жамоаси эришилаётган ютуқлар билан чегараланиб қолмай, ишлаб чиқаришни янада ривожлантирмоқда. Жумла-

бора кенгайиб борапти.

Келажак хусусий корхона ва фермер ҳўжаликларикидир. Иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ҳам ана шунда. Тумандаги мавжуд 13 та қорамол фермасидан 11 таси ҳўсилдорлик ва хусусий фермер ҳўжаликларига айлантирилди. Жумладан, «Озод» жамоа ҳўжалигининг фермаси ўтган йили хусусийлаштирилган эди. Фермер ҳўжалиги харажатларни тўла қўлаб, эндиликда ўз фойдасига ишламоқда. Уларга етарли микдорда экин майдонлари ҳам ажратилган. Илгари бу ерда 53 нафар киши меҳнат қилган бўлса, фермер ҳўжалигига айлантирилган, уларнинг сони қисқартирилиб, 38 нафарга етди. Холбуки, ферманинг рентабеллик даражаси эъдиликда 35 фоизни ташқил қилмоқда. Мана шу мисолдан ҳам корхона ёки ферма ўз эгаларини топгандан сўнг ишнинг кўзини билиб меҳнат қилинса норентабелликдан рентабелликка айланиши мумкин эканлиги ҳам кўриниб турипти. Бундай фермалар туманимизда кўп. «Мурод», «Қизил тонг», «Найман» хусусий фермалари ана шулар жумласидандир. Биз келгусида мана шу йўлдан олға бораверамиз.

— Республикаси Президенти И. А. Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бора-сисидаги камчиликлар ҳақида ҳам батафсил тўхтадилар. Бу соҳада Окқўрғон туманида аҳвол қандай?

— Президентимизнинг ушбу нутқларидан келиб чиқадиган янги вазифалар туманимиз фаоллари йиғили-

шида атрофлича муҳокама қилинганда, табиийки, асосий эътибор ютуқлар билан бирга ишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга ҳам қаратилди. Гарчи жамоа ҳўжаликлари қарашли 4 та чорвачилик фермалари, 36 та қишлоқ ҳўжалик ва транспорт воситалари, 16 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари кимовши савдоси орқали хусусийлаштирилган бўлса-да, бироқ ҳўзир уларнинг айримлари бозор муносабатлари талаблари даражасида фаолият кўрсатаётгани йўқ. Масалан, «Мафтуна» ҳўсилдорлик жамаиоти ва Окқўрғон ғишт заводи маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини сурункасига бажаролмаётди. Бунинг сабаби-хом ашёнинг танқислиги ва шунингдек, уни сотиб олишга етарли маблағ йўқлигидандир. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи юқори бўлганлиги сабабли «Мафтуна» ҳўсилдорлик жамаиоти 3,7 миллион сўмлик маҳсулотини сотолмай омборхоналарда сақламоқда. Окқўрғон ғишт заводи эса бир миллион дон ғиштни кам ишлаб чиқарди. Деҳқон-фермер ҳўжаликларида шартномада кўрсатилган маҳсулот турлари тўла экилаётгани йўқ. Ана шу сабаблар боис жорий йилда 147,5 тонна пахта, 4,4 тонна картошка, 241 тонна маккажўхори дони, 1,5 тонна сабзавотлар кўзда тутилганидан кам етиштирилди. Бундай мисолларни кўпайта келтириш мумкин. Аммо, асосий масала камчиликларни бирма-бир санаш эмас, келгусида ишнинг тўғрилик олишидир. Президентимиз нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш қароридан ҳам ана шу вазифаларга асосий эътибор берилганлиги табиийдир.

— Туманда ўз йўлини топиб олган, иши тобора ривожланиб бораётган ишбилармонлар қатори ёрдамга муҳтож фермер ҳўжаликлари, эндигина мустақил тарзда иш бошлаётган тадбиркорлар ҳам бор. Ҳўзир уларга қандай амалий ёрдам кўрсатилмоқда?

— Тўғри айтасиз, хусусийлаштирилган фермер ҳўжаликлари, кичик корхоналар эгалари ҳўқимият, жамоа ҳўжаликлари бошқарувлари, корхона ва ташкилотларнинг яқиндан берадиган ёрдамларига муҳтож. Биз ана шунини назарда тутиб, «Тадбиркор» банки орқали уларга 4 миллион 417 минг сўм кредит маблағи ажратдик. Тўғри, бу ёрдам ҳали талаб даражасида эмас. Аммо, йирик корхоналар ва ташкилотлар, жамоа ҳўжаликлари берадиган доимий ёрдамни назарда тутадиган бўлсак, тадбиркорларнинг дастлабки даврда иш юритиб юборишлари учун булар катта кўмак бўлади.

Суҳбатимиз якунида келгуси йил ҳўсили учун яратилаётган замин ҳақида тўхташмоқчиман. 7800 гектар суғорилмайдиган майдонга галла экилди. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир. Ҳўжаликларда қишки тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Барча майдонлар шудгорлаб қўйилди. Ариқ ва зовурларни тозалаш ишлари тезкорлик билан олиб боришмоқда. Шубҳа йўқки, вақтида олиб борилаётган тадбирий қоралар келгуси йилги экиш мавсумини ўз вақтида ўтказиш имконини беради. Демак, янги — 1996 йил ҳам туманимиз аҳолиси учун ютуқлар йили бўлади, деб умид қиламан.

Суҳбатни «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири

НОГИРОНЛАРНИ АВАЙЛАЙЛИК

13—15 декабрь кунлари Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгашининг катта мажлислар залида Ўзбекистон ногиронлар жамаиоти ҳамда Буюк Британиянинг «Бола-ларни сақланг» жамғармаси вакиллиги томонидан уюштирилган, «Ногирон бо-

лаларни ҳар томонлама ривожлантириш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусидаги Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияга Тошкент вилояти, Қирғизистон, Қозғистон, Буюк Британия, Хиндистон мутахассислари ташриф буюришди.

Халқаро конференцияда қатнашган Ўзбекистон республикаси Ижтимоий таъминот вазири Б. Х. Умурзоқов, республика Ногиронлар жамаиоти раиси С. С. Убайдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари

бўйича қўмитаси, Қизил ярим ой жамаиоти, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа идоралар вакиллари ногирон болалар билан ишлаш услублари, оилада уларнинг ўрни, хасталар соғлигини асраш ҳамда уларни ўқитиш каби муҳим масалалар ҳақида гапирдилар.

Уч кун давомида халқаро конференция қатнашчилари ногиронларнинг «Умид» тиббий реабилитация марказида, Собир Раҳимов туманидаги 100-мактаб-интернатда, Мирзо Улуғбек туманидаги ногирон боласи бор оналар клуби — «Ноббок»да ва бошқа жойларда бўлиб, ногирон болалар муаммолари билан танишдилар.

Ю. МИРЗАКАРИМОВА.



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН !

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ИНСОНИЯТ ВА ЭКОЛОГИЯ

Ана шу муҳим масалага бағишлаб Софияда ўтказилган «Оврупо учун атроф-муҳит» конференциясида биринчи марта Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этдилар

Шу йилнинг 23—25 октябрь кунлари Болгариянинг пойтахти Софияда «Оврупо учун атроф-муҳит» мавзuida вазирларнинг конференцияси бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари орасида Ўзбекистон вакиллари ҳам бор эди. Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари В. Г. Конохов ва Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Т. Э. Эргашев мазкур анжуманда қатнашдилар. Жамоатчи муҳбиримиз конференция иши ҳақида гапириб беришни Т. Э. ЭРГАШЕВдан илтимос қилди.

— Турғун Эргашевич ушбу конференциянинг «Оврупо учун атроф-муҳит» деб аталганининг сабаби нимада? Экологик муаммоларни ҳал қилишга Умумоврупо ёндашувининг йўллари қандай изланди?

— 1979 йилда Женевада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оврупо иқтисодий комиссияси доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича юксак даражадаги кенгаш бўлиб ўтган эди. 1989 йилда эса Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг Софияда бўлиб ўтган йилги мажлиси ҳам бу масала муҳокама қилинди. 1992 йилда «Ер сайёраси» мавзuida олиёйиб даражадаги учрашувга тайёргарлик доирасида БМТнинг атроф-муҳит бўйича конференциясида табиий бойликларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича қўшма ҳудудий дастурни ишлаб чиқишга киришилди. Бу кенгашлар атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида оврупоча муносабатни ишлаб чиқишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

«Оврупо учун атроф-муҳит» бўйича биринчи расмий конференция 1991 йилнинг июнида Чехословакияда бўлиб ўтди. Унга Овруподаги 34 мамлакатнинг, шунингдек, Бразилия, Канада, АҚШ, Япониянинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлари ва бошқа вакиллари қатнашдилар.

1993 йилнинг апрелида шу мавзудаги иккинчи конференция бўлиб ўтди. Швейцариянинг Люцерн шаҳрида чақирилган бу анжуманда 45 мамлакат вакиллари қатнашдилар. Унда Марказий ва Шарқий Оврупо мамлакатлари учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалий ишлар дастури тасдиқланди.

— Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалий ишлар дастурининг асосий йўналишлари ва унинг амалга оширилиши қандай

бораётганлиги ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз?

— Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалий ишлар дастури Марказий ва Шарқий Оврупо мамлакатларида экологик муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш мақсадида ишлаб чиқилган. Кишилар саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ечиш биринчи навбатда зарур иш деб қайд қилинади.

Яқинда Болгария пойтахтида бўлиб ўтган конференция қатнашчилари учун махсус ишчи гуруҳи ушбу дастурни 1993—1995 йилларда амалга оширилиши тўғрисидаги ниҳоятда мазмунли ҳисобот тайёрлади. Бир қанча қизиқарли материаллар тақдим этилди. Марказий ва Шарқий Оврупо мамлакатлари экологлари 6 та соҳада иш олиб боришни назарда тутмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу йўналишлар бўйича муайян ютуқлар ҳам қўлга киритилди. Экологик экспертиза, иқтисодий воситалар, лойиҳаларни ишлаб чиқиш, зарарли моддаларни (огир металллар) ҳавога чиқаришни қисқартириш, олтингургуртни ҳавога чиқаришни камайитириш, биологик усулларни қўлланиш шулар жумласига киради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Ғарб билан Шарқ ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Жаҳон банки атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг миллий дастурларини ишлаб чиқишда 12 та мамлакатга ёрдам берди.

— Конференцияда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари В. Г. Конохов сўзга чиқди. У қандай экологик муаммоларга эътиборни қаратди?

— Владимир Григорьевич ўз нутқида Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар қатори Ўзбекистон ҳам энг оғир экологик кризисни бошидан кечириётганлигини таъкидлаб, бу асосан Амударё ва Сирдарё дарёлари сувининг кескин камайиши ва Орол денгизининг қуриши оқибатида юзага келганлигини айтди. Бу табиий ресурслардан фойдаланишда шу вақтгача амал қилиб келинган нотўғри сиёсат оқибати эканлигини қайд қилди. Агар 60-йилларда Орол денгизи катталиги жиҳатдан жаҳонда тўртинчи ички денгиз деб ҳисобланган бўлса ҳозирги кунда уни денгиз деб аташга ҳам тилинг бормайди.

Ҳозирги вақтда Орол ҳудудининг экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган 7 та дастур ишлаб чиқилмоқда. Оврупо иттифоқи ер-сув ресурслари бўйича катта дастурни маблаг билан таъминламоқда. Япония, АҚШ, Швейцария, Голландия ва бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳам ўз дастурларини маблаг билан таъминламоқдалар.

Лекин, шуни қайд қилиш ке-

раки, Орол регионига жаҳон мамлакатлари бераётган ёрдам ниҳоятда кам. Шунинг учун Владимир Григорьевич конференция қатнашчиларига мурожаат қилиб, халқаро ташкилотлар бу муаммони ҳал қилишга кўрсатилаётган ёрдам ҳажмини кўпайтирсалар ниҳоятда маъқул иш бўларди, деб алоҳида таъкидлади.

— Конференция қатнашчилари декларация қабул қилдилар, дедигиз. Шу ҳужжат ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Қабул қилинган декларацияда Марказий ва Шарқий Оврупо учун атроф-муҳит соҳасида амалий ишлар дастурини рўёбга чиқариш, табиатни муҳофаза қилиш тadbирларини маблаг билан таъминлаш, ишбилармон доираларнинг ўзаро ҳамкорлиги, саноят ва атроф-муҳит муҳофазаси, биологик ва ер тузилишининг турли-туманлигини сақлаб қолиш, ядро хавфсизлиги каби муҳим масалалар ўз аксини топди.

Декларацияда белгиланган тadbирларни амалга ошириш Марказий ва Шарқий Оврупо мамлакатларида экологик аҳволни яхшилашга ёрдам беради. Бу бизнинг Марказий Осиё учун ҳам аҳамиятлидир. Шу асосда табиатни муҳофаза қилиш ишларимизни янада такомиллаштиришимиз, унинг амалий натижалари янада самарали бўлишига эришишимиз, Оврупо мамлакатларида экологик аҳволни яхшилаш юзасидан тўпланган тажрибани ўзимизда қўллашимиз мумкин.

Сўхбатдош Ч. ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

Жойлардан хабарлар

ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Оҳангарон дарёси бизнинг туманимиз учун асосий сув манбаларидан ҳисобланади. Унинг оби-ҳаёти билан минглаб гектар экин майдонлари, боғ-роғлар сугорилади. Тумандаги қатор мактаблар, чунончи 10-, 26- ва 40-мактаблар унга жуда яқин жойлашган.

Шу билим масканлари ўқувчилари бу дарёни чуқур ўрганишлари учун «Оҳангарон дарёси сўзлайди» мавзuida танлов ўтказдик. Унда юзлаб талабалар фаол қатнашдилар. Улар бу ҳаётбахш дарё билан боғлиқ бўлган турли муаммоларни ўрганишлари, Хусусан, сувнинг таркиби, балиқлар ва ўсимликлар дунёлари, қирғоқ минтақасининг экологик ҳолатини таҳлил қилдилар. Бунда, айниқса, доривор ўсимликларни аниқлашга алоҳида эътибор бердилар.

Экологик тадқиқотлар олиб борган ўқувчилар ўз танлаган мавзулари бўйича рефератлар ёзишди. Ўқувчилардан П. Абдувалиева, Ш. Мўминова, В. Қудратов, И. Жўраев, А. Маменов, З. Курумбоевларнинг ишлари қизиқарли чиқди. Танловда 26-мактаб ўқувчиси У. Абдуқайюмов голиб деб топилди ва рағбатлантирилди.

Ф. ҒОЗИЕВА, ўқитувчи, Куйичирчиқ тумани.



Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т. Эргашев ўз ҳамкасблари билан.

Г. КАЗЕННОВ олган сурат.

РУХСАТ ОЛМАГАНЛИГИ УЧУН

Олмалиқ нон заводи ҳамон атроф-муҳитни меёрдан ортқича даражада ифлос қилмоқда. Текшириш натижасида яна бир

кўпол нуқсон аниқланди. Кейинги вақтларда зарарли моддаларни ҳавога чиқариш бўйича ҳатто рухсатнома ҳам олинмаган.

Корхона раҳбарларининг бундай ҳатти-ҳаракатлари ўзбошимчаликдан бошқа нарса эмас. Албатта, бундай бефарқлик улар

учун қимматга тушди. Корхона бош муҳандисига нисбатан жазо чораси қўлланилди. У ўз ҳаменидан беш юз сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Бундай лоқайдликнинг бошқа айбдорлари ҳам жазосиз қолишмади. Айни вақт-

да камчиликни тезда бартараф этиш ҳақида тегишли кўрсатмалар ҳам берилди. Завод раҳбарлари бундан лозим хулосалар чиқариб олишмаса, янада қаттиқроқ чора кўрилишидан огоҳлантирилдилар.

С. РАҲМАТОВ.



• Қорасувнинг аламли «нидо»си

ҚОНУНГА РИОЯ ЭТИШ ШАРТ

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришгач, унинг ҳудудида экологик аҳволни яхшилашга қаратилган кўпдан-кўп тадбирлар амалга оширилмоқда. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш мақсадида қатор қонунлар ва қарорлар қабул қилинди. Уларга риоя қилиш қандай аҳволда? Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси коллегиясининг навбатдаги мажлисида шу масалага алоҳида эътибор берилди.

Мажлисида «Вилоят паррандачилик-чорвачилик мажмуилари корхоналарида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя қилиш тўғрисида»ги, «Тошкент вилояти шаҳарлари канализация-тозалаш иншоотларининг иши тўғрисида»ги масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унга шу соҳанинг мутасаддилари бўлган республика ва вилоят идораларининг раҳбарлари, мутахассислар, экологлар таклиф қилинди.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига амал қилишининг вилоят прокурорлиги томонидан қандай назорат этилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди. Шу ҳақда вилоят прокурорлиги давлат назорати бўлимининг прокурори З. Наврўзовнинг маърузаси тингланди. Маърузада бу муҳим ишда қонунчиликка амал қилишнинг аҳволи атрофлича таҳлил қилиб берилди. Вилоят прокурорлиги табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг ижроси устидан назоратни амалга оширибгина қолмай, айна вақтда жойларда бу идораларга яқиндан амалий ёрдам ҳам кўрсатдилар. Бу муҳим ишда фаол қатнашадиган бўлиб қолдилар. Шу мақсадда кўпгина корхоналар ва хўжаликларда табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги юзасидан суҳбатлар ва маслаҳатлар уюштирилди. Бундай қонунчиликни бузилишига йўл қўйганларга нисбатан қандай таъсирий чораларни қўлланиши ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Вилоят прокурорлиги ходимлари бевосита жойларда бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига

амал қилиш масалалари билан яқиндан шуғулланмоқдалар. Сўнгги вақтда улар Ангрен, Оҳангарон, Бекобод шаҳарларида, Бўка ва Бекобод туманларидаги экологик аҳвол билан танишдилар.

Улар ўтказган текшириш шуни кўрсатдики, айрим шаҳарлар ва туманларда табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг ижроси бўйича ишлар дуруст йўлга қўйилган. Унда экологлар қатори корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, кенг жамаотчилик фаол қатнашмоқда. Шу тўғрисида бундай қонунчиликни бузиш ҳоллари каммайиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, айниқса, Ангрен ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг фаолияти кўпчилик учун намуна бўлади. Шаҳар экологлари ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари биргаликда кўпгина ишларни амалга оширмоқдалар. Уларнинг самараси яхши бўлмоқда. Текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланмоқда. Энг муҳими, фақат шу билан чегараланиб қолмай, уларнинг амалга оширилиши қаттиқ назорат қилинмоқда. Айна вақтда табиатни муҳофаза қи-

лиш қонунчилигини бузишга йўл қўйганларга нисбатан қонуний чоралар кўрилмоқда. Бу жойларда экологик аҳволни яхшилашга ёрдам бераёпти. Шунинг учун ҳам ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг бу соҳадаги ишлари маъқулланди ҳамда уларни кенг ёйишга тавсия қилинди. Айна вақтда текширилган табиатни муҳофаза қилиш кўмиталарининг кўпчилигида атроф муҳитни ифлослантиришга сабабчи бўлган корхоналар ва шахсларга нисбатан қонуний жазо чораларини кўриш ҳамон яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳам маълум бўлди. Бу, айниқса, Бўка, Бекобод туманлари ҳамда Оҳангарон ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари ишига тааллуқлидир. Улар ҳатто қонунни бузувчиларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги ўз қарорларининг ижроси устидан етарли назорат олиб бормадилар. Бу лоқайдликнинг бир кўриниши эмасми? Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини назар-писанд қилмайдиган кимсаларга нисбатан қатъийроқ бўлиш лозим. Улар томонидан қарорларнинг бажарилишини таъминлаш учун барча чораларни кўриш керак.

Бу ишда чалкашликларга йўл қўйиш ҳоллари ҳам содир бўлмоқда. Айрим ҳолларда айбдор бўлмаган кишилар маъмурий жавобгарликка тортилмоқда. Бу йўл қўйилган камчилик учун айбдорларни тўғри аниқлаш оқибатида содир бўлмоқда. Бунинг устига маъмурий жавоб-

гарликка тортиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилмаган жазо чораларини кўриш ҳам тўла йўқотилмаган. Бу ҳам ўз навбатида қонунчиликни бузиш демакдир. Табиатга етказилган зарар учун солинадиган жарималар миқдорини асоссиз камайитириш, уни ўз вақтида ундириб олиш учун зарур чораларни кўрмаслик ҳоллари ҳам учрамоқда.

Мажлисида бундай камчиликлар ва хатолар жойлардаги айрим табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари ходимларининг ўз вазифасига масъулият билан муносабатда бўлмаётганлиги оқибатида юзага келаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Чунки уларнинг айримлари табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунчиликни яхши билмадилар. Айниқса, унинг маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги моддаларининг қандай ҳолда қўлланилишини чуқур ўрганилмаган. Бунинг оқибатида юқоридаги камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Коллегия мажлисида Бўка тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг раиси И. Азимов, Оҳангарон ҳудудий ва Бекобод тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари давлат нозирлари А. Қорабоев, Қ. Мавлонов, А. Эркаев, Б. Бозорбоевларнинг шу масала бўйича ҳисоботлари тингланди.

Мажлисида муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Унда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва айбдор ходимларни жавобгарликка тортиш бўйича аниқ чоралар кўриш назарда тутилди.



Чағалайлар «базми».

ҲАҚИНИ ТўЛАШ «ЭСЛАРИДАН» ЧИҚИБДИ

Янгийўл ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ходимлари «Шухрат» жамоа корхонасида экологик аҳволни текширганларида катта камчиликлар борлигининг шохиди бўлдилар

Бу корхонада атмосферага зарарли моддалар меърида белгиланганидан анча кўп чиқарилмоқда. Қоидага мувофиқ ортиқча чиқарилган чиқиндилар учун эса ҳақ тўлаш керак. Корхона раҳбарлари эса йил бошидан бери умуман ҳеч қандай ҳақ тўламаганлар. Айтишларича, «эсларидан» чиқиб қолган эмиш. Ал-

батта, бу баҳона бўлолмайди. Шунинг учун ҳам нозирлар корхона раҳбарларини жазолашни лозим кўрдилар. Унинг раҳбари Ш. Муҳамедовга эса 250 сўм жарима солинди. Айна вақтда йўл қўйилган бундай камчиликни тезроқ бартараф этиш ҳақида кўрсатма ҳам берилди.

Хўжалик ҳисоби асосида ишлов-

чи вилоят механика устахоналарида табиатни муҳофаза қилиш ишларига етарли эътибор берилмаётганлиги маълум бўлди. Бу корхонада қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар тайёрланади. У шунга ихтисослашган. Бу ерда эса атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқарувчи 28 та манба бор. Уларни камайитириш юзасидан

зарур чоралар кўрилмаёпти. Шу вақтгача бирорта ҳам газни тозалаш қурилмаси ўрнатилмаган. Айна вақтда атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар рўйхати ҳам тузиб чиқилмаган. Зарарли моддаларни атмосферага чиқариш ҳуқуқи олинмаган. «Ўзбекбирлашув»нинг туман тайёрлов идорасида ҳам шундай камчиликлар содир бўлмоқда. Экологлар бу корхоналарда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар бердилар.

П. ЧАРАЕВА.

• Ташвишли мактуб

ИШҚИБОЗНИНГ ҲАСРАТИ

ТАБИАТ кўйида сайр қилишни яхши кўраман. Айниқса, кеч қузда. Бунинг ўзгача гашти бор... Уша куни ҳам Қорасув дарёси бўйида айланиб юргандим, қармоқ кўтарган кексароқ кишига кўзим тушди. У чамаси балиқ овлаётган эди. Мен оҳиста қадам ташлаб, унинг олдида бордим. Саломлашгач, отахон билан суҳбатлашдик. Кекса киши менга қандай қилиб балиқ тутишга ишқибоз бўлиб қолганлиги ҳақида гапириб берди.

— 30 йилдирки куз ойларида ишдан бўш пайтларимда балиқ овлаш билан шуғулланаман, — деди суҳбатдошим. — Ёшлик пайтимдан колхозда ишлаб бошладим. У пайтларда дам олиш қаёқда дейсиз. Хозирги даврдагидек техника йўқ. Ҳамма иш қўлда бажариларди. Шу сабабли дала ишлари кўпинча қишгача давом этарди. Хуллас, кечаю-кундуз тинмай меҳнат қилардик. Оқибатда асабим ишдан чиқди. Сал нарсасага жаҳлим чиқадиган бўлди. Бошим оғрирди. Ишда тез-тез чарчаб қоладиган бўлиб қолдим. Ноилож врачга мурожаат қилдим. У мендан «Табиатни сеवासизми, бирон нарсасага, масалан балиқ овига, пиёда юришга ишқибозмисиз?» деб сўради.

Очиғи мен ишдан бошқа нарсасага қизиқмаслигимни айтдим. Шунда врач менга «Дам олишни билмаган инсон ишлашни ҳам билмайди», — деди. Шу-шу балиқ тутишга ишқибозман. Бу ерда гап қанча тутишда эмас, гап табиат оғушида бўлиб хордиқ чиқаришда. Унинг гашти ҳам шунда. Мана кўриб турибсиз, соғлигим яхши. Тетикман. Бу балиқ тутиш ва пиёда юришнинг самарасидир.

— Қорасув дарёсини шу 30 йил олдинги даври билан таққосласак қандай ўзгаришлар бор?

— Саноатнинг ривожланиб бориши натижасида кўпгина корхоналар ўзларининг оқова сувларини дарёга оқизиб, унинг санитария ҳолатини ёмонлаштириб юбормоқда. Бу эса дарёдаги сув ўтларини, ҳар хил балиқ турларининг йўқолиб кетишига сабабчи бўлмоқда. Олдин Қорасув дарёсида лаққа, зоғорабалиқ, пискаръ, илонбош каби балиқлар кўп бўларди. Эндиликда бу балиқлар умуман йўқ бўлиб кетди. Хозир бу зарарли сувга мослашиб олган қора-балиқдан бошқасини учратмайсиз. Уша йилларда дарё лабида ҳар хил рангда ниначилар учиб юришар, турли қушларнинг сайраши инсонга ҳузур-ҳаловат бағишларди. Эндиликда эса буларни фақат чуқур изтироб билан эсга оламиз. Она — табиат ҳақида ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб қайғуришимиз керак...

Мен унинг гапларига маҳлиё бўлиб, суҳбатдошимнинг исми-шарифини сўрашни ҳам унутибман.

А. МАТҚУЛОВ.



● **Бефарқлик қимматга тушади**

Ер-бебахр бойлиқдир. Шундай бўлгач, уни доим ардоқлаб-авайлашимиз, ҳолатини яхшилаш учун барча чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим.

Ердан унумли фойдаланишга эришиш, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири — алмашлаб экишни кенг жорий қилишдир. Айни вақтда кимёвий воситалардан фойдаланишни камайтириш, унинг ўрнига органик ўғитларни илоҳи борича кенг қўламда солиш талаб этилади. Вилоятимиз бўйича бу муҳим соҳалардаги аҳвол қандай?

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари нозирлари ўтказган текшириш ишлари бу ишда айрим ютуқлар қатори катта-катта қийинчиликлар ҳам борлигини кўрсатди.

Алмашлаб экишни қўланишда йил сайин ижобий натижаларга эришилмоқда. Бироқ, шунга қарамай ҳали тўла ўзлаштирилганича йўқ. Оҳангарон, Паркент ва Юқоричирчиқ туманлари хўжалиқларида алмашлаб экиш режада белги-

ланган даражада бормоқда. Бўка, Чиноз ва Пискент туманларида ҳам бу кўрсаткичлар 95-98 фоизгача етди.

Минерал ўғитларни ишлатиш йил сайин камайиб бормоқда. Унинг ўрнига кўпроқ органик ўғитлардан фойдаланилмоқда. Бу соҳадаги кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 20 фоиз ортди. Айни вақтда қишлоқ хўжалигининг турли хил зараркундаларига қарши курашда заҳарли кимё-

гектардан ортиқ ерда шундай ишлар қилинди. Асосан кўп йиллик ўсимликлар экилиб, ўрмонзорлар бунёд этилди.

Лекин, шуни афсусланиб айтиш керакки, ҳали ҳам кўпчилик хўжалиқларнинг раҳбарлари ердан самарали фойдаланиш, бунинг учун биринчи навбатда алмашлаб экишни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши курашда биологик усул-

да алмашлаб экиш усули жуда суст жорий қилинмоқда. Ваҳоланки унинг аҳамиятини ҳамма жойда яхши билишади. Бу йил алмашлаб экиш фақатгина 74 фоизни ташкил этганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бу эътиборсизлик оқибати эмасми? Тумanning кўпчилик хўжалиқларида тупроқ таркиби анча бузилиб кетган. Уларни табиий ҳолга келтириш учун алмашлаб экишдан кенг фойдаланиш керак. Туп-

ган ҳосил камайиб кетиши турган гап. Умуман туманда пахта етиштириш режаларининг бир неча йил давомида сурунжасига бажарилмаслигининг сабабларидан бири шунда бўлса керак.

Вилоятнинг қатор бошқа туманларида ҳам ердан фойдаланиш соҳасида шунга ўхшаш камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бунинг оқибатида тупроқ таркиби муттасил бузилиб бормоқда. Бу хўжалиқларнинг раҳбарлари тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, ердан фойдаланишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш учун барча зарур чораларни вақтида қўришлари, бу ишга пайсалга солмасликлари керак. Бунинг учун биринчи навбатда ҳафсала керак. Бефарқлик эса кейинчалик жуда қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун катта бойлик ҳисобланган ерни асраб-авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш давримиз талаби эканлигини унуттишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Э. КАҲҲОРОВ,
Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг махсус нозирлиги бошлиғи.

ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

вий моддалар ўрнига биологик усулларни қўланиш мижёслари кенгаймоқда. Бу йил 210 минг гектардан ортиқ ердаги экинларга биологик усуллар билан ишлов берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 35 фоиз кўпдир. Тупроқни шамол ва сув эрозиясидан сақлашга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Биргина шу йилнинг бошидан бери 700

лардан фойдаланиш, органик ўғитларни ишлатишни кенгайтириш масалалари билан етарли шуғулланаяптилар. Улар зарарли бўлган минерал ўғитлари ва заҳарли кимёвий моддаларни ишлатишга, бу тупроқ таркибининг бузилишига, ҳатто ер ости сувларининг зарарланишига олиб келмоқда.

Янгийўл тумани хўжалиқларида шундай аҳволни кўриш мумкин: Бу ер-

роқ таркибидagi нитратлар сони кўпайиб бормоқда. Тумanning барча хўжалиқларида шундай аҳвол кучаяётганлиги маълум бўлди. Унинг тупроқ таркибидagi микдори меёрдагига нисбатан 2-3 баравар ортиб кетган. Албатта бундай ҳолатнинг олди олиниши лозим. Акс ҳолда у катта қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Биринчи навбатда экинлардан олинаёт-

ЖАРИМА СОЛИНДИ

ОЛМАЛИҚ худудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари ҳар гал шаҳардаги уйсозлик комбинатида табиатни муҳофаза қилиш ишларини текширганларида катта-катта камчиликларни аниқлайдилар. Чунки йирик бу қорхонада экологик аҳволни яхшилашга эътибор берилмаяпти.

Унинг кўпгина бўлинмалари атроф-муҳитни ифлослантirmoқда. Шуни айтиш кифояки, зарарли моддаларни атмосферага чиқарувчи манбалар 30 тадан ҳам ошиб кетади.

Қорхонада чиқиндилар чиқаришнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган меёрига эришилмаяпти. Ортиқча чиқиндилар чиқарилмоқда. Бунинг учун комбинат мутасадди ташкилотларга қўшимча маблағ тўламоқда. Лекин тартибга мувофиқ чиқиндиларни теварак атрофга чиқариш муттасил камайиб бориши лозим. Бунинг учун табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни узлуксиз амалга ошириш талаб этилади. Комбинатда эса бу ишда изчиллик сезилмаяпти. Белгиланган кўпгина яхши тадбирлар амалга ошмай қолмоқда. Бунинг сабабини сўрасангиз маблағлар ва бошқа ресурсларнинг етишмаётганлигини рўқач қиладилар.

Буни муайян даражада тушуниш мумкин. Ҳақиқатан ҳам бозор иқтисодига ўтиш шароитида қорхона жамоаси катта муаммоларга дуч келмоқда. Уй-жой қурилиши ҳажми камайиб бормоқда. Демак, олинаётган даромад ва қўрилаётган фойда ҳам озаймоқда. Бу табиатни муҳофаза қилиш ишларига маблағ ажратишда қийинчиликлар туғдираяпти. Лекин ҳар йили бу соҳага муайян миқдорда маблағ ажратиш назарда тутилмоқда. Уларнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳам экологик аҳволни яхшилашда муайян силжишга эришиш имконини берарди. Лекин бу етарли бўлмаяпти. Айрим ҳолларда қорхона раҳбарлигининг ҳафсаласизлиги бунга сабаб бўлмоқда.

Чиқиндиларни ташқарига чиқариш миқдори ҳар йили янгидан белгиланиши лозим. Қорхонада бу йил бу ишга қўл урилмади. Вақтинчалик рухсат олинди. Лекин у ҳам шу йилнинг июнь ойида ўз кучини йўқотди. Қорхона раҳбарлиги эса уни қайтадан тузишга шошилмаяпти. Демак, улар меёрдан ортиқча чиқарилган чиқиндилар учун тегишли маблағни тўлашдан бош тортмоқдалар. Экологлар бундай аҳволнинг айбдорларига нисбатан чоралар кўрдилар. Жумладан, қорхона раҳбари 750 сўмлик жарима билан жазоланди. Айни вақтда камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар ҳам берилди. Агар бу кўрсатмалар белгиланган муддатда бажарилмаса яна қаттиқроқ жазо чоралари қўрилиши мумкинлиги қорхона раҳбарлигига тушунтирилди.

Худудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари худди шундай аҳволни Пискентдаги «Гиламдўзлик» ҳиссадорлик жамиятида ҳам аниқладилар. Очиқ турдаги бу ҳиссадорлик жамияти раҳбарлиги бу йил зарарли моддаларни чиқариш учун ҳатто рухсат ҳам олмаган экан. Қорхона биринчи марта текширилганлиги учун унинг раҳбарлари огоҳлантирилди. Яқин муддат ичида шундай рухсат олиш вазифаси уларга уқтирилди. Олмалиқдаги «Гўштсут савдо» қорхонасида эса атроф муҳитни ифлос қилувчи кўпгина манбалар бор. Лекин улар шу вақтгача рўйхатга олинмаган. Қорхона раҳбарлиги зиммасига ана шундай манбаларни қисқа муддат ичида рўйхатга олиш вазифаси юклатилди.

М. ҲАМИДОВ.

БЕКОбОД республикамиздаги ёш ва оғир саноати ривожланган шаҳарлар қаторига киради. Бу ерда Ўзбекистон металлургия, Бекобод цемент комбинатлари ва кўплаб қурилиш, озик-овқат ва бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қорхоналар жойлашган. Шаҳар республикамизни Фарғона водийсига ва Тожикистон, Қирғизистон Республикаларига ўтувчи катта йўлда жойлашганлиги сабабли жуда катта транспорт қатнови манбаи ҳам ҳисобланади.

Буларнинг ҳаммаси шаҳар ҳавосига салбий таъсир қилмоқда. Албатта, бунга қарши амалий чоралар кўрилмоқда. Чунончи, шаҳар саноат қорхоналари ва автотранспортдан чиқаётган заҳарли газларни аҳоли саломатлигига таъсирини камайтириш борасида бир мунча ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Айниқса, шаҳарни кўкalamзорлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Дарахтлар заҳарли моддаларни ютиб, атмосферанинг мусаффо бўлишига ёрдам берувчи бебахр восита ҳисобланади. Шунинг учун шаҳарда дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган ишлар муттасил олиб борилмоқда. Эндиликда ўзининг яшил бойлиги билан Бекобод олдига тушадиган шаҳарлар камдан-кам топилади. Шаҳримизда шундай тартиб ўрнатилган: табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат назоратчилари кўриб, махсус рухсатнома ёзиб бермагунча ҳеч қандай дарахт кесилмайди. Бу-

нинг натижасида кўплаб дарахтлар сақлаб қолинмоқда. Шаҳарда дарахтларни кўпайтириш ва уни яшил либосга буркаш борасида Ю. Гагарин номи Бекобод шаҳар ободончилик бошқармаси, Ўзбекистон металлургия комбинатининг, айниқса, шахримиз билан ёши тенг Бекобод ўрмон хўжалигининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Шаҳримизга ҳар йили минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бу дарахт кўчатларининг кўпчилигини ўрмончилар етказиб беришмоқда. Бу хўжалик шаҳар худудида 1947-

ҳолда ушбу дарахтларни янгилашга киришилди. Бу ишлар, айниқса, ўрмон хўжалигининг А. Навоий номи бўлимида яхши натижалар бермоқда. Ўрмончилар Муродбек, Отабеков ва Маҳаммаджон Мамарасуловлар бош бўлиб ўстираётган кўчатзор ва дарахтзорлар кўзни қувонтирмоқда.

Бекободда дарахтларни ҳимоя қилиш борасида шаҳар прокурорлигининг бизга яқиндан ёрдам бераётганлигини алоҳида қайд қилишни истар эдик. Бу ҳамкорлик кўплаб дарахтларнинг сақлаб қолинишига, давлатнинг маблағи бекорга сарф бўлмаслигига, шахримиз ҳавосининг тоза бўлишига хизмат қилмоқда.

Шаҳарнинг яшил либосини кенгайтириш ишлари, ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, бундай буён ҳам, кенг миқёсларда давом этади. Чунки, унинг шаҳарликлар саломатлигини муштаҳамлашга ёрдам беришини ҳисобга олиш бу ишга маблағ сарфлашни аямасликни тақозо этади. Ахир ҳар биримиз олаётган ҳаво қанчалик тоза бўлса, шунча яхши бўлишини ҳамма вақт унутмаслигимиз лозим.

Қ. МАВЛОНОВ,
Бекобод табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси раисининг муовини.

**ҲАР
БИРИ
ҲИСОБДА**

1952 йилларда Россиядан келтириб экилган шумтол, заранг, акас ва қайрағочлардан ташкил топган 100 гектарли ўрмонзорлар барпо қилган эди. Бу дарахтлар кучли шамол ва эрозияга қарши, саноатдан чиқадиган чанглардан халос қилиш учун экилган эди, лекин ҳозирга келиб қариган дарахтлар қурий бошлади. Шу сабабли ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан келишган



Қишлоқ йўлида



● Фаройиботлар оламида

● Ҳар тўғрида

ҚОРОВУЛ ПАРРАНДАЛАР

АНГЛИЯНИНГ Эмворт шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаролардан бирининг уйини бургут қуриқлайди. Қоровул парранда ўз вазифасига жиддий муносабатда бўлади. Кунларнинг бирида у гаражга кирмоқчи бўлган ўғрига ташланди. Ҳазабланган қушнинг чангалида ўғри кийимининг бир парчаси қолди. Полиция шунга қараб жиноятчини қидириб топиб, қамоққа олишга муваффақ бўлди.

Англиянинг яна бир шаҳри Думбартонда ҳам паррандалардан зийрак қоровул сифатида фойдаланилаётган ташкилот бор. Чунончи, виски сақланадиган омборда бир нечта гоз зиммасига шундай вазифа юклатилган. Қушлар омборда бетона одам пайдо бўлиши билан го-голаб шундай уввос кутарадики, бундан навбатчи қоровул огоҳ бўлади. Омборнинг эгаси гозларни сақлашнинг қоровулларга нисбатан афзаллиги борлигини қайд қилди: — бу зийрак қушлар учун харажат камроқ кетади. Чунки, қоровул гозларнинг қорни тўқ бўлса кифоя, уларга маош туланмайди. Бунинг устига гозлар тухум ҳам қилади.

УЗУНЛИГИ БИР МЕТР

КИМСАНИНГ узунлиги нақд бир метр келадиган тирноғи бор дейилса, бунга ишониб қийин, албатта. Ҳайратдан ёқа ушлашингиз мумкин. Лекин, бунинг ҳеч қандай муболагаси йўқ, ростдан ҳам шундай инсон бор. У Ҳиндистонда яшайди, исми-шарифи Шридраж Чиллар. Унинг гурури бўлган ва ҳаммага кўз-кўз қиладиган бармоқлари тирноғининг узунлиги 95—100 сантиметрга етади.

Албатта, бунчалик узун тирноқлар қувонч қатори ташвиш ҳам келтиради. Чиллар яшиғина сураткаш бўлгани учун касби бўйича ишлашда анча қийинчиликларга дуч келади, оилада ҳам таъналар остида қолади: болалари уни ақдан озганмисиз дейишса, умр йўлдоши эса тирноқларни ниҳоятда жирканч деб ҳисоблайди. Бунинг устига бундай тирноқларга қараш ҳам машаққатлидир, кўп вақт олади, мумайгина пул ҳам сарфлаб туришга сабаб бўлади. Бироқ, шундай қийинчиликларга қарамай Чиллар тирноқларини кесишни ҳасилга ҳам келтирмайди. Унинг айтишича, бу тирноқларнинг бирортаси синиб қолса, ақл-идрокка салбий таъсир қилармиш...

ҲАЛОЛ ИНСОНЛАР ҚАЕРДА ЯШАЙДИЛАР?

АМЕРИКАДА чиқадиган «Ридерз дайжест» журнали энг ҳалол америкаликлар қаерда яшашини аниқлашни мақсад қилиб қўйди. Шу мақсадда журнал ходимлари АҚШнинг ўн иккита туманида ҳар бирига 50 доллар солинган пулдонларни тушириб қўйдилар ва уларнинг нечтаси кейинчалик эгаларига берилиши шартли полицияга топширилишини кутдилар.

Сиэтл (Вашингтон штати) энг яхши кўрсаткичга эришди. Бу ерда ҳар ўнта пулдоннинг тўққизтаси қайтарилди. Ҳалол америкаликлар бунинг сабаблари диний ва ахлоқий тавсифда эканлигини айтдилар.

Сиэтл (Тошкент билан биродарлашган шаҳар) мэри Норм Райс синовнинг бундай натижаларидан хурсанд бўлганлигини яширмади. «Шаҳар қачонлардир эгаллаган барча биричи ўринлардан буниси мени ниҳоятда гурурантиради» деди у қалам-кашларга.



● Изоҳга ҳоҳлат йўқ

● Бу қизиқ

ҲАММАСИ ДАРАХТЛАР ҲАҚИДА

ЭНГ ЙЎҒОН СЕКВОЯ

АВСТРАЛИЯ эвкалипти 6 минг йилгача яшаган Калифорния секвойасидан 10-15 марта баландроқ бўлса-да, дунёда ҳеч бир даррахт секвойага тенг кела олмайди. Унинг айланаси 46 метрга етади. Бундай даррахтнинг шох-шаббасининг тагида бир вақтлар «Гигант даррахт ахбороти» деган журнал редакцияси учун уй қурилган, иккинчи томонида пианино, созанда ва 16 жуфт раққослар сиққан эди.

ЭНГ КАТТА БАРГЛИ ЎСИМЛИК

АМАЗОНКА дарёсининг кенг тармоқларида, ҳавоси худди ҳаммомдек иссиқ ва нам бўлган ғоят қалин тропик ўрмонларда чиройли корол викторияси ўсади. Бу ўсимликнинг барги энг катта ва йирик бўлиб, унинг диаметри 2 метрдан ортади ҳамда устига 2-3 яшар бола ўтказилса, бемалол кўтаради. Виктория гулининг диаметри ҳам кичик эмас — 40 сантиметрга етади.

БИРИ УНДАЙ, БИРИ БУНДАЙ...

● ДУНЁДА атрофга «ёруғ» тарқатувчи даррахт Шимолий Африкада ўсади. Маҳаллий халқ уни «Шайтон дарахти» деб ҳам атайди. Бундай галати атама олган бу даррахт

нинг қобиғида фосфор моддаси жуда кўп бўлиб, у доим теварак атрофга нур таратиб туради. Нурнинг ёруғлиги шунчалик ўткирки, ҳатто, даррахт тагида тунда ҳам ўқиш ва ёзиш мумкин.

● ЖАНУБИЙ Американинг Амазонка дарёси бўйларида рафия пальмаси ўсади. Унинг барги узунлиги 30 метргача етиши билан машҳурдир. Маҳаллий аҳоли бу барглардан том ёпилғиси сифатида фойдаланади.

● ЭНГ КАТТА тўп гул таллипо пальмасиники бўлиб, унинг узунлиги 14 метрга, эни эса 10-12 метрга етади. Бу ўсимлик умрида бир марта гуллайди ва ҳосил беради. Ҳосил бергандан сўнг эса қуриб қолади.

● СЕЙШЕЛЬ оролларида ўсувчи пальманинг уруғи барча маълум уруғларнинг энг йириги ҳисобланади. Унинг оғирлиги 25-30 килограммга етади. Унинг пиши етилиши ҳам узоқ давом этади. Бир неча ўн йиллар давомида шундай вазнга эга бўлади.

● БОМБУК ер юзидан энг тез ўсадиган ўсимликлардан бири ҳисобланади. Бир кеча-кундузда у қарийб 50-60 сантиметргача ўсиши мумкин.

БОШОҚЛИ ЎСИМЛИКЛАР ТУРИ НЕЧТА?

БОШОҚЛИ ўсимликлар оиласига кирувчиларнинг тури қанчаллигини биласизми? Бўлмаса қилиб қўйинг. Ҳисобларга қараганда, бундай ўсимликларнинг тахминан 30 миллионга яқин тури бор.

ИЛОН ИСКАНЖАСИДАН ҚУТҚАРДИ

КЕНИЯЛИК ёш чўпон бола чаққонлиги ва саросимага тушиб, ўзини йўқотиб қўймаганлиги учун ҳам тўрт метрли бўлма илон билан бўлган ҳаёт-мамот жангидан омон чиқди. Оқиқиб қолган баҳайбат бу судралиб юрвчи махлук Ндаруту дарёсидан кечиб ўндалаги пистирмадан болага ташланади. Бу дарё Лейк — Накуру миллий боғи чегарасидан бир неча метр наридан оқиб ўтади.

Сўқмоқ йўлга йиқилиб тушган Жорж, аввалига, «сирпаниб, кетдимов», деб ўйлади. Бироқ қайрилиб қарагач, бир зумда қўрқудан қотиб қолди. Маълум бўлишича, уни «чалиб юборган» катта илон экан. Питон боланинг чап оёғидан тиззасигача домига тортишга улгурган эди. Бунинг устига илон ўз қурбонини ўраб олишга ҳаракат қиларди.

Бироқ, боланинг кескин отилиши питонни гафлатда қолдирди. Оқибатда, Жоржни исканжасида маҳкам ушлаб қола олмайди. Йигитча оёқларини қўлига олиб, югурганча уйига етиб келиб, бўлган воқеани гапириб берди. Қишлоқ аҳолиси ёрдам сўраб, Кения табиатни муҳофаза қилиш ходимларига мурожаат қилди. Улар эртасига питонни ўша бола айтган жойдан топдилар. унинг қорни қаппайган бўлиб, қуёш нурида мудраб ётарди. Демак, қандайдир жонивор унинг қурбони бўлган. Муҳофазачиларнинг мерганона отан ўқлари питонни қилмишларига яқин ясади. Унинг қорнидан эса чўпонларнинг йўқолиб қолган йирик ити топилди.

● Сўраган эдингиз

ИРСИЯТНИНГ АЖАБТОВУР ҚИЛИҚЛАРИ

Халқ орасида «сиам эгизаклари» деган ибора бор. Бу ибора қаердан ва қандай келиб чиққан? Шу ҳақда тушунча берсангиз.

Р.БОТИРОВ,
Янгийўл тумани.

БУНДАЙ иборанинг пайдо бўлиш тарихи шундай. 1811 йилда Сиам шаҳрида бир-бирига ниҳоятда ўхшаш эгизаклар оламга келади. Бунинг устига улар узунлиги 10 сантиметргача келадиган кашак билан бир-бирларига ёпишган эдилар. У кўкрак қафаси қисмидан ўтган эди. Чақалоқларга Энг ва Чанг деган исм қўйдилар. Табиатнинг ажойиб фаройиботи сифатида бир-бирдан ажралмас ака-укалар бутун қурраи замин бўйлаб саёҳатта чиқдилар, ҳамма жойда уларни катта қизиқиш ва ҳайрон бўлиб томоша қилар эдилар. Улар Оврупода, Америкада бўлишди. Сиамлик эгизаклар кўп йиллар давом этган бу саёҳатлар натижасида бойиб кетишди. Опасингилларга уйланишди, фарзандлар кўрдилар. Умрларининг охирида АҚШнинг Шимолий Королина штатида, кишилар кўзидан узоқ бўлган авлоқроқ жойда яшай бошладилар. Ака-ука шу

ерда 63 ёшгача яшашди, иккови хотинларидан 20 нафар бинойи фарзанд кўришди.

Ҳикоя қилишларича, 1874 йилнинг январиде тунда ўз фермасида бўлган Энг ўринда бирга ётган укаси нафас олмаётганини сезиб қолди. Ҳақиқатан ҳам Чанг қаёққа кетган эди. Шундан кейин Энг ўғлини дарҳол ёнига чақирди-да унга «менинг ҳам куним битганга ўхшайди» деди. Ўғли отасига вафот этган укасидан ажралмиш учун дарҳол жаррохлик операцияси қилдиришни таклиф этди. Отаси бунга кўнмади. У орадан бир неча соат ўтгач оламдан кўз юмди. Ўлган укасининг қонидан захарланган эди. Чунки, ака-ука қони умумий эди-да, у икковиде окарди.

Шундан бери юз йилдан ошироқ вақт ўтган бўлса ҳам ўшанда пайдо бўлган «сиам эгизаклари» ибораси кишилар оғзидан тушмайди.

Шунга ўхшаш бошқа ходисалар ҳам,

яъни ирсиятнинг фаройиб қилмишлари содир бўлган. Эгизак опа-сингил Роза ва Жозефиналарнинг тарихи ҳам ажабтовурдир. Эгизаклар 1887 йилда Чехословакияда туғилдилар. Қизлар орқаси ва ёнбошлари билан бир-бирига ёпишган эди. Отаналари кўржиб кетиб фарзандларидан воз кечдилар, ҳатто уларнинг ўлишига ҳам рози эдилар.

Бироқ қизалоқлар вояга етишди, ғиж-жақ ва ксилофонда мусиқа чалишни ўргандилар. Икковлари бир бўлиб танҳо шерик билан вальсга туша олардилар. Доим хушнақчақ ва ҳаётдан хурсанд бўлиб юришарди.

Фаройиб актрисалар ҳақидаги овозлар тез тарқалиб, уларнинг шухрати кенг ёйилди. Шундай бир вақтда жанжал чиқди. Роза қандайдир йигитни севиб қолиб хомиладор бўлди. 1910 йилнинг 17 апрелида кўзи ёриб бинойидек фарзанд кўрди. Ёш қизга оналик бурчини бажариш ниҳоятда мушкул бўлди.

Эгизакларнинг саргузаштлари шу билан тугамади. Эндиликда Жозефина ҳам севиб қолди ва йигитдан турмуш қуриш ҳақида таклиф олди. Бироқ тўй бўлмади.

Ҳамма гап шунда эдики, қонунга мувофиқ бундай никоҳ икки хотинлик деб ҳисобланарди. Афтидан шу сабабли ҳам Розанинг фарзанд кўриши бутун қурраи замин бўйлаб танҳо ғайритабиий ҳодиса ҳисобланади.

Тарих бир-бирига ёпишган эгизаклар ҳақида яна бир ҳодиса бўлганлигидан дарак беради. 1877 йилда Шимолий Италияда яшовчи Батист Точчи оиласида фаройиб фарзанд туғилди. Бу ўғил чақалоқни калласи иккита бўлган экан. Болакайнинг белигача бўлган юқори қисмида иккита калла, икки жуфт қўл ва иккита танаси бор эди. Гавдасининг пастки қисмида иккита оёқ бўлган. Олтинчи қовурғасидан пастда қорин бўшлиғи, жинсий аъзолари биттадан бўлган. Бола бемалол тик турар, ўтира оларди, бироқ юраолмасди.

Уларни икки эркак исми билан Жиокомо ва Жиованни деб аташди. Эгизаклар жаҳоннинг энг йирик цирклариде тамоша кўрсатган, 15 ёшга кирганларида Америкага сафарга борганлар, ҳар ҳафтада бир минг долларгача пул ишлашган.

Ажралмас ака-укалар 20 йиллик гасдролдан кейин бойиб кетиб, она-юртлари

га қайтиб келдилар. Бу ерда Венеция туманида алоҳида жойлашган виллани сотиб олдилар ва икки опа-сингилга уйландилар. Файритабиий ака-ука тош девор ичида матбуот ва қизиқувчилардан ҳолис ҳолда 1940 йилгача яшадилар ва 63 ёшга кирганда вафот этдилар. Бу шундай мураккаб, ғайритабиий инсонларнинг энг узоқ муддат яшаганлари эди. Афсусланарлиси шундаки, уларнинг ҳаёти охиригача ўрганилмади.

«Фаройиботлар ва саргузаштлар» журналининг хабар беришича Россияда ҳам урушдан кейин бир-бирига қўшилиб кетган эгизак қизалоқлар — Маша ва Дашалар туғилган. Улар ҳақида кўп ёзишди. Рус эгизаклари танасининг тузилиши худди италиялик қизларникига ўхшаш эди. Гавданинг белгача бўлган қисми иккига бўлинган ва гавданинг паст қисми қўшилиб кетган бўлиб, икки оёғи бинойидек эди, қолган иккитаси эса ривожланмаган эди.

Бу ғайритабиий ҳодисалар ирсиятнинг галати қилмишлари ҳисобланади. У яна қандай фаройиботлар, жумбоқларни ҳада этаркин. Бу ҳақда бир нарсга дейиш мушкул.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашган.





● Акс садо

ЯХШИЛИК ҚОЛУР

ГАЗЕТАНГИЗДА Махмудохон Валиеванинг «Вафо деган гавҳар» мақоласини ўқиб, ғоятда таъсирландим. Одатда, биз вафосиз эркаклар ҳақида кўлаб мақолалар ўқиганмиз, ҳаётда учрашиб, одатланиб қолганмиз. Бунда эса садоқатли, сабр-қанотли, ҳақиқий инсон бўлган Шамсиддин ака ҳақида сўз борибди. Қасал охиралиги меҳр-муруват кўрсатиб яшаётган инсонларнинг фидойиликларига қўйил қолмай бўлмайди. Ахир бундай инсонлар ҳаётимизда камдан-кам учрайди. У киши ҳам ота, ҳам она бўлиб, фарзандларини илмли, ҳунарли қилибдилар. Уларнинг юракларига меҳр-оқибат руҳини сочибдилар. Қўсқаси, ўқил-қиллари кўз олдида ҳақиқий инсон қандай бўлиши қарақлигини кўрсатаётган эканлар. Мен ҳам муаллифнинг Шамсиддин акага тилаган тилақларига қўшиламан. Уйларида қатор-қатор тўйлар бўлсин, қариган чоғларида фарзандлари ҳам уларга меҳр-оқибат кўрсатсинлар.

Умр ўтиб борар, мисоли карвон,
Унда яхши-ёмон ўтиб боради.
Яхшилар қолдириб ўзидан
бир боғ,
Жимгина карвонда кетиб
боради.
Ўзингиздан қолдириб арзирли
бириз,
Мангу-мудом яхши бўлиб
қолдингиз.
Умр деган катта карвон йўлида,
Одамларнинг нақши бўлиб
қолдингиз!
Рихис ХУДОЕРОВА,
Тошкент тумани Турғун
Мирзаев номли жамоа ҳўжалиги.

САБОҚ БЎЛАРМИДИ...

МЕН «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ҳар бир сонини ўқиб бораман. Унда ёритилаётган мавзулар билан танишиб, ахлоқ-одобга доир мақолаларни ўқувчиларим билан муҳокама қиламиз. Профессор Мухтарам Содиқованинг қизларнинг эрта турмушга беришнинг зарари ҳақидаги мақоласини ҳам юқори синф ўқувчилари билан биргаликда муҳокама қилдик. Бахр жуда қизиқин ўтди.
Газетангизнинг 28 август сониди берилган М. Валиеванинг «Вафо деган гавҳар» мақоласини ҳам ҳаяжон билан ўқидик. Шамсиддин аканинг вафодорлигига қўйил қолдик. Ахир ўн сақиз йил қасал хотинни боқиб, унинг кўнглига қараш осонми?! Шундай дамларда ҳаётимизда кўлаб учраб турадиган оилавий жанжаллар ҳақида уйлаб кетаман. Арзимас қайнона-қелин меҳороси дейсизми, эр-хотин аразими. Ҳамма нарса — соғлиқ, уй-хой, ота-она, фарзандлар етарли бўла туриб, нима учун оилаларда тинчлик бўлиши керак эмас?! Ушунчи сабаблар билан оила бўзилиши кўлаиб кетмоқда. Газетангизда шундай вафодор инсонлар ҳақида тез-тез ёзиб турсангиз, балки, ҳаётга энгил қарайдиган инсонларга сабоқ бўлармиди.
Замира ЖўРАЕВА,
Юнусобод тумани, 274-мактаб.

● Билиб қўйган яхши БАЙРАМ СОВҒАСИ

● Яхши таниш бўлмаган одам сизга яхшилик қилди, сиз эса унга совға билан жавоб қилмоқчисиз, дейлик. Қимматбаҳо совға ёки пул уни ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Шунинг учун гулдаста, торт ёки бир шиша яхши шароб айни мос совға ҳисобланади. Агар бу совғаларни бирор байрам муносабати билан тақдим қилсангиз янада яхши бўлади.
● Умуман таниш, дўст ва биродарларингизга ҳам байрам ёки тугилган кунда қимматбаҳо совға қилиб борманг. Уни ва байрам муносабати билан келган, аммо қўли қисқароқ меҳмонларни ноқулай вазиятда қолдириши мумкин. Совгани анча илгари, ўйлашиб, дўстингиз дидига мослаб харид қилганингиз маъқул. Шундагина у қувонч келтиради.
● Уйдаги кераксиз нарсалардан совға тайёрлаб борсангиз уни тақдим этаётган кишингиз дилини оғритиб қўйишингиз мумкин.
● Яқин кишиларга ва қариндошларга яъни аёлларга гул, эркакларга галстук кабилар совға қилинади. Декоратив идиш ва тувакларда ўсиб турган гул тақдим қилишингиз ҳам мумкин.
● Агар гул совға қилмоқчи бўлсангиз, онангизга, умр йўлдошингизга, сингил ва қайлигингизга қизил атиргул тақдим қилганингиз маъқул. Нераки қизил ранг-муҳаббат рамзидир.
● Совгани бера билиш ҳам керак. Аммо «кун бўйи излаб-излаб бундан яхшисини тополмадим» ёки «шу куйлакни аранг топдим. Чиройли-а? Ўзиям жуда қиммат экан» деган гапларни айтадиган тийилми.
● Совгани қабул қилишни ҳам билиш керак. Уни олаётган одам эҳтиром билан миннатдорчилик билдириб, қўлчани ёки уровни очиб ичидигани кўздан кечиргач, қўлимсираганича яна бир қарра раҳматини айтади. Асло афтни бужмайтириш, тундлашиш мумкин эмас. Меҳмон сизнинг норози бўлганингизни сезмаслиги лозим.
● Агар сизга конфетлар, торт ёки бошқа хил ширинликлар тортиқ қилинган бўлса бошқаларни ҳам меҳмон қилишни унутманг.
● Меҳмон байрам кунингизга совғасиз қилиши ҳам мумкин. Албатта уни очик чеҳра билан қўлиб олинг. Ҳар ҳолда у айтган вақтингизда етиб келдику, Билганга шунинг ўзи ҳам бир совға.
● Агар умр йўлдошингизга байрам кунини совға тақдим этишга, у билан бирга қувонинг. Зеро бу иззат-ҳурмат кўрсатишнинг бир кўринишидир.

● спорт ● спорт ● спорт
ТУРОННИНГ ШУҲРАТИ ОРТМОҚДА

Жанговар санъатнинг барча турлари вакилларида иборат 60 нафар спортчи Москвада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида энг кучли спортчи номини олиш учун беллашди. Ўзбекистон миллий жанговар санъати тури — Турон билан шуғулланидиган спортчилар бундай катта халқаро мусобақада биринчи марта иштирок этишди.
— Биз Туркистон, унинг халқлари тарихига доир материалларни синчиклаб ўрганиб, жанговар туронни заррачалардан қайта тиклашга муваффақ бўлдик, — деди турон бўйича республика федерацияси президенти Баҳодир Хожиев.

— Буюк бобомиз Амир Темур аскарлари ҳар бир кунни турон бўйича машқ қилиш билан бошлар ва тугаллар эди. Спортнинг бу тури одамни жисмоний бақувват қилади, руҳиятини мустаҳкамлайди.
Биз хорижга, халқаро мусобақага биринчи марта бордик. Шу сабабли жуда ҳаяжонландик. Чунки Москвада ўтказилган жаҳон биринчилигида Жанубий Корея, АҚШ, Бельгия каби мамлакатларнинг жанговар санъат соҳасида танилган спортчилари бор эди.
Андрей Смирнов (97 килограмм вазнда) ўз маҳоратини кўрсатибгина қолмай, турон санъати техника-

сини, унинг гўзаллигини ҳам намойиш этди. Натижада у биринчи ўринни эгаллади. Европа ва Осиёда туроннинг янги мухлислари пайдо бўлди. Мусобақадан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда журналистлар турон ва унинг манбалари билан жуда қизиқишди. Бизни келгуси йилда АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида бўладиган жаҳон биринчилигида иштирок этишга таклиф қилишди. Ўзбекистон жанговар санъати миллий тури жиужитсу, тазквондо сингари шу пайтгача машҳур спорт турлари қаторидан жой олганидан бахтиёрмиз.
(ЎЗА муҳбири).

СИЗНИНГ КОМАНДАНГИЗ ҚАЙСИ ЎРИНДА?

Ўқувчи тахририят ходимлари!
Биз бир гуруҳ бўқалик футбол мухлислари командамиз Тошкент биринчилигида голиб келиб, даъвогарларнинг баҳсида ҳам муваффақиятли қатнашиб, келаси йил мамлакат биринчилигининг биринчи гуруҳида ўйнаш ҳуқуқига эга бўланлигидан беҳад мамнунмиз. Стадионимизда вилоят биринчилиги иштирокчилари ўтказган ҳар бир учрашувни эътибор билан кузатиб бордик. Мана, мавсум тугаганига ҳам анча бўлди. Бироқ, вилоят биринчилигида қатнашган жамоаларнинг якунловчи турнир жадвали ҳеч қаерда босилмади. Бизни эса вилоят чемпионатида бошқа жамоалар эгаллаган ўринлар ҳам қизиқтиради. Шу боис сизлардан илтимос, агар, имкони бўлса Тошкент вилояти биринчилигининг якунловчи жадалини газетангизда босиб чиқарсангизлар.
Тахририятимизга худди шундай мазмунда Оққўрғонлик бир гуруҳ футбол мухлислари ҳам хат йўллашибди.

Кўп сонли футбол мухлисларининг илтимосини инобатга олиб, вилоят биринчилиги якунловчи турнир жадвалини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Бўқалик» (Бўқа)	30	26	3	1	127-32	81
«Дўрмон» (Кибрай)	30	24	2	4	94-37	74
«Ғалабачи» (Солдатск)	30	23	1	6	121-47	70
«Ойтамғали» (Оққўрғон)	30	22	3	5	72-30	69
«Олатов» (Келес)	30	16	6	8	65-49	54
«Автомобилчи» (Ангрен)	30	16	4	10	43-37	52
«Ёшлик» (Пискент)	30	12	6	12	69-66	42
«Локомотив» (Янгийўл)	30	10	5	15	50-66	35
«Султонобод» (Оққўрғон)	30	9	8	13	56-53	35
«Водник» (Нуробод)	30	9	3	18	39-66	30
«Зафар» (Зафар)	30	9	2	19	52-95	29
«Цементчи» (Бекобод)	30	8	4	18	34-59	28
«Цементчи» (Охангарон)	30	8	4	18	30-75	28
«Мебелчи» (Чиноз)	30	6	2	22	25-82	20
«Халқобод» (Халқобод)	30	5	4	21	44-96	19
«Олмалик» (Олмалик)	30	4	7	19	32-74	19

ЕТТОВЛОН БИР БЎЛСА...

ДЗЮДО спорт буйича Деҳлида ўтказилган Осиё биринчилигида Ўзбекистон полвонлари катта зафар қўндилар. Қарий 30 га яқин мамлакатдан келган спортнинг бу тури мухлислари ўртасида спорт оламида ҳам ном чиқараётган Ўзбекистоннинг еттовлон полвони ажойиб маҳорат кўрсатиб, голиблик шожупасидан ўрин эгалладилар. Шуниси қувончлики, мамлакатимиз спорт довуғини таратганлар орасида вилоятимиз вакиллари ҳам бор. Чирчиқлик Дмитрий Соловьев 95 килограммгача полвонлар баҳсида иккинчи ўринни эгаллаб, қумуш совриндор бўлди. Шунингдек, Темир Мухаммадхон 65 килограммгача ҳамда Андрей Штурбабин 78 килограммгача вазнлилар баҳсида кучли олтиликдан ўрин эгаллаб, келаси йил Атлантада ўтадиган олимпия ўйинларига йўлланма олдилар. Терма жамоамизнинг яна бир вакили Алишер Мухторов 60 килограммгача вазнда иккинчи, Армен Багдасаров 86 килограммгача, Владимир Шмаков 78 килограммгача вазнлилар баҳсида иштирок этиб, бронза нишондори бўлишди. Камол Муродов ҳам муваффақиятли иштирок этиб, ҳар бир спортчи оруз қилган ният — Олимпиадага йўлланмани қўлга киритди. Ўзбекистон дзюдочилари Осиё чемпионатидаги эришган ажойиб натижалари билан бизни беҳад мамнун этдилар.

нингдек, Темир Мухаммадхон 65 килограммгача ҳамда Андрей Штурбабин 78 килограммгача вазнлилар баҳсида кучли олтиликдан ўрин эгаллаб, келаси йил Атлантада ўтадиган олимпия ўйинларига йўлланма олдилар. Терма жамоамизнинг яна бир вакили Алишер Мухторов 60 килограммгача вазнда иккинчи, Армен Багдасаров 86 килограммгача, Владимир Шмаков 78 килограммгача вазнлилар баҳсида иштирок этиб, бронза нишондори бўлишди. Камол Муродов ҳам муваффақиятли иштирок этиб, ҳар бир спортчи оруз қилган ният — Олимпиадага йўлланмани қўлга киритди. Ўзбекистон дзюдочилари Осиё чемпионатидаги эришган ажойиб натижалари билан бизни беҳад мамнун этдилар.

БОШ СОВРИНЛАР — СПОРТЧИЛАРИМИЗДА

Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистоннинг тўрт қарра чемпиони Учқун Муродов хотирасига бағишланган дзюдо бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг 1979 — 1981 йилларда тугилган 220 нафардан ортиқ дзюдочилари иштирок этди. Ёш спортчиларимиз яхши натижа кўрсатишди. Ўзбекистонликлар ўн вазн тоифасида голиб чиқиб, мусобақанинг барча бош совринларини олишга муваффақ бўлдилар.

Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистоннинг тўрт қарра чемпиони Учқун Муродов хотирасига бағишланган дзюдо бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг 1979 — 1981 йилларда тугилган 220 нафардан ортиқ дзюдочилари иштирок этди. Ёш спортчиларимиз яхши натижа кўрсатишди. Ўзбекистонликлар ўн вазн тоифасида голиб чиқиб, мусобақанинг барча бош совринларини олишга муваффақ бўлдилар.

Тошкент вилояти автомобиль йўллари давлат ҳиссадорлик бирлашмаси жамоаси Пискент туман автомобиль йўллари бошқармасининг бошлиғи М. Тўлаганова онаси
Лутфиниса ая МҰМИНОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти автомобиль йўллари давлат ҳиссадорлик бирлашмаси жамоаси «Ўзавтойўл» концерни бошқаруви раиси М. Абдуллаева онаси
Сожида ШАРИПОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ • ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Мухоррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Ўзлонлар: 33-99-15, 36-57-27.

Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайди.